

# ТОНГ ЮЛДУЗИ

Ўзбекистон болалари ва усмирларининг газетаси

Газета 1929 йил 1 августдан чиқа бошлаган

№ 88 (6830)  
1997 йил, 12 ноябрь, чоршанба

Сотувда эркин  
нархда

Ўзбекистон қуёшни эмиб улгайган юрт. Бу юрт замида не-не зотлар уди. Тарих гилдираклари остида не-не шуҳратлар—шонлар янчилик қолаверди. Аммо тафаккур меваси булмиш маърифат шуълалари мангу порлайверди ва порлайвера-жак!...

Биз то 1991 йилгача қизил империянинг истибдоди, зулми остида таълим ва тарбиянинг бизнинг мамлакатимиз учун хос булмаган йуналишлари томон бордик. Бу эса руҳиятимизга салбий таъ-

газета бугунги кунда ҳам ҳамма учун қизиқарлидир. «Тонг юлдузи»нинг укучилари ҳам, тарғиботчилари ҳам — умумтаълим мактаблари ҳисобланади. Афсуски, 1997 йил таҳлилига назар ташлаб барча вилоят халқ таълими бошқармалари бошлиқларининг мазкур газета обунаси масаласига эътиборсизлик билан қараётганликларининг гувоҳи булдим. Эртанги кун талабларини зийраклик билан илгаш ва уни ҳозиржавоблик билан таҳлил қила билишдек вазифани болалар руҳиятига сингдириш

чимиз билан ҳар қанча фохр қилсак арзийди. Бироқ ютуқларимиз узимизники, бу ютуқлар бизни унданда буюкроқ ва улканроқ ишлар сари даъват қилиб келади. Биз фақат муваффақиятлар ҳақида оғиз купиртирмасдан муаммоларимиз — бугунги куннинг камчиликлари туғрисида ҳам тухталсак, бу камчиликларни бартараф қилиш йулларини изласакгина кўзлаган мақсадимизга эришамиз. Болаларнинг, ёшларнинг илм олишига ва илм-фан сирларини чуқурроқ эгаллашига тула-тукис

дарё, Самарқанд вилоятлари мутасаддиларининг газета орқали қилган ваъдаларини уқиб қувондим. Ваъда вафоси билан булиши керак. Яқинда «Тонг юлдузи» саҳифаларида Тошкент тумани халқ таълими булими муdiri Уткир Маҳмудовнинг, Қорақалпоғистон республикаси Халқ таълими вазири Т. Ж. Отамуродовнинг ва Самарқанд вилояти халқ таълими

## ЖУРНАЛИСТЛАР БИЛАН УЧРАШУВ

Мамлакатимизда амалга оширилаётган тарихий узгаришлар хорижий оммавий ахборот воситалари вакилларида катта қизиқиш уйғотмоқда. 7 ноябрь куни юртбошимиз «Озодлик» (Прага) радиостанцияси мухбирлари Замира Эшонова, Фурқат Яқвалхужаев ҳамда Буюк Британиянинг Би-Би-Си радиостанцияси Тошкент бюроси мухбири Паҳлавон Тургунов билан учрашди. Давлатимиз раҳбари журналистларга мамлакатимизда амалга оширилаётган сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ислохотларнинг бориши, улар бераётган дастлабки самаралар, одамлар тафаккурини узгартириш борасида қилинаётган ишлар хусусида батафсил сузлаб берди.



## ХИЛЛАРИ КЛИНТОН ЎЗБЕКИСТОНГА КЕЛАДИ

АҚШ Президентининг турмуш уртоғи Хиллари Клинтон МДХ мамлакатлари буйлаб сафарга чиқди. Сафарни у Алматы, Бишкек шаҳарларидан бошлаб, сунг Ўзбекистонга келади.

Америка Президентининг рафиқаси Тошкент, қадимий ва навқирон шаҳарларимиз Самарқанд ва Бухорога сафар қилади.

## БУЮК БРИТАНИЯДА ТАҚДИМОТ МАРОСИМИ

Лондондаги Қироллик халқаро муносабатлар институтида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг «Ўзбекистон XXI аср бугунда: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кифолатлари» китобининг инглиз тилидаги нашри тақдимоти булиб утди.

### Минбар

## ҲАР БИР БОЛАНING ЎЗ «ТОНГ ЮЛДУЗИ» БЎЛСИН!

сир курсатди.

Биз айна пайтда ҳар қанақа ет тузум ва ақидалардан халос янги авлодни, мустақил авлодни тарбиялаёмиз.

Ўзбекистон — келажак буюк давлат. Мана шу буюк келажакни ҳозирги ёш авлод яратади ва юксалтиради. Ҳозирги ёш авлоднинг дунёқарашини эса матбуотсиз тасаввур қилиб булмайди. Ҳар қандай маърифат қуёши матбуот орқали ёғду сочади.

Болаларни ростгуй ва ҳақиқатга ошно қилиб тарбиялашнинг ягона йули нимада? Бу теварак атрофдаги ҳодисаларни буйб-бежамасдан, туғри курсатишдир. Қолаверса, болалар адолатнинг кучига ишонмоқлари лозим. Бу масъулиятли ишга ҳар бир укитувчи, ҳар бир зиёли уз улушларини қушмоғи шарт. Биз юқорида матбуот устида тухталдик. Матбуот шундай кучки, у ёш авлодни дунё билан боғлайди. Республикаимиз болалари ва усмирлари учун чоп этилаётган «Тонг юлдузи» газетасининг ижодий ходимлари узларининг бор иқтидорлари ва имкониятлари даражасида тинимсиз изланиб, болаларнинг онги-фикри ва дунёқарашини юксалтирадиган янги-янги руқнлар очмоқдалар.

Узим газета таҳрир хайъати аъзоси булганим учун ҳам бу жараёни яхши биламан.

Машҳур шоиру езувчиларимиз учун ижод бешиги булиб хизмат қилган бу

бугунги куннинг асосий эҳтиёжидир. Бу борада эса «Тонг юлдузи» газетаси бизнинг муҳим таянчимиз булиб хизмат қилади. Кундан-кунга ранг-баранг руқнлар, саҳифалар билан боғлиқ болажонлар ҳаётини узид тулақонли равишда акс эттираётган «Тонг юлдузи» барча хонадонларнинг севимли нашрига айланмоғи ва барча болалар муассасаларига етиб бормоғи шарт ва лозимдир. Азалдан маълумки, халқимиз зиёли халқ. Бунга тарихда утган бобокалонларимиз: жаҳон медицинасига асос солган Абу Али ибн Сино, фалакиёт илми ва юлдузлар сари кенг йул очган Мирзо Улугбек, бутун олам астрономлари ва географларини лол қолдириб умрбоқий асарлар ёзиб кетган Абу Райҳон Беруний, хоразмлик буюк

имкон яратиб берилган. Бу усиш, тараққиёт ва юксалишга замин булади. Шунинг учун ҳам бу борада ажойиб ишлар қилинмоқда. Сузимизнинг исботи сифатида кундан-кунга купайиб бораётган турли фанлар, соҳалар, касбларга йуналтирилган лицейлар, махсус мактаблар, гимназиялар ва коллежларни мисол қилиб келтириш мумкин. Бугунги кунда видеоларда берилаётган турли мантиқсиз фильмлар, бемаъни курсатувлар болаларимизнинг онгини саёзлаштириб қуймоқда. Шунинг учун ҳам болаларни ёшлиқданок газета уқишга, онг-тафаккурларини бойитиб боришга жалб қилсак, уларда узига хос маърифатли дунёқараш вужудга келиб, бу дунёқараш эса жаҳон андозалари даражасида фикрлашга ургатади. Зиёлилари куп халқнинг келажакни порлоқ, йуллари равшан булади. Зеро, маърифат ва тафаккурдан айро йул инқироз йулидир.

Лекин обуна борасида бизни хурсанд қиладиган воқеалар ҳам учраб турибди. Бунга мисол қилиб Бухоро вилояти Ёғдубон туманидаги 15-мактабнинг ҳар бир синфи 10 тадан обуна ташкил қилганликларини, Тошкент вилояти Юнусобод туманидаги 63-мактабда ҳам 15 ноябрдан кечиктирмай ҳар бир синфда 10 тадан обуна ташкил қилинишини, Сурхон-



бошқармаси бошлиғи А. Мажидовнинг берган ваъдаларини ҳам уқидим.

Аммо ижро-чи? Мен буларни мунтазам кузатиб боришга ҳаракат қиламан. Энди бу вилоят халқ таълими бошқармалари булими бошлиқлари ҳам уз укучилари — болаларни алдамаслар. Алданган келажак бир кун келиб бизга уз жавобини қайтарса, ҳар қанақа пушаймонга кеч булади. Шу сабабли ҳам барча мактаблар, болалар муассасаларида газета таҳлилига бағишланган махсус кунлар ва газетанинг ижодий ходимлари билан бевосита, билвосита мулоқотлар уюштирилиб турилса, нур устига аъло нур булиб, болажонлар газета билан янада яқиндан боғланадилар. Қайси вилоятда обуна ишлари пайсалга солинар экан, демак у ерда болалар маънавияти ва келажакига деярли эътибор йўқдек ҳисобланади. Истардикки, ҳар бир боланинг уз «Тонг юлдузи» булсин!

**Муртазо СУЛТОНОВ,**  
Ўзбекистон  
Республикаси Халқ  
таълими вазири муовини



математик ва хайратланарли иқтидор соҳиби Ал-Хоразмий, Аҳмад Фарғоний, Али Қушчи ва бошқа бир қанча алломаларимизни мисол келтириш мумкин. Шундай экан, биз узимизнинг муқаддас бур-



Газал сеҳри

Р. Альбеков фотолавҳаси

## Кўнғирок

Таҳририятга келаётган мактублар орасида катта дафтаришнинг вароғига кичкина ҳарфлар билан ёзилган ушбу мактуб диққатимизни ўзига тортди. Мактуб Тошкент шаҳар, Собир Раҳимов тумани, Қорақа-

## КАТТА БЎЛСАМ ЖЭКда ИШЛАМОҚЧИМАН

миш 2/1 массивида яшовчи Жавоҳир Мирзо исми боладан бўлиб, у қўйидаги сўзлар билан бошлайди ўз мактубини.

«Хурматли газетада ишлаётган азиз опажонлар, акажонлар. Яқинда газетангизда синфдошим Азизбекнинг мақоласи чиқибди. Уша кундан бери Азизга ҳавасим келади. Уша кундан бери нима ёзсам газетда чиқаркин, деб уйлайман. Азизбек инглиз тилини урганаётгани ҳақида ёзибди. Ва «катта бўлсам инглиз тилидан ўқитувчи бўлмоқчиман. Болаларга инглиз тилини ургатмоқчиман», дебди.

Мен ким бўлиш ҳақида жуда куп уйладим. Ва ниҳоят топдим. Катта бўлсам, ЖЭКда ишламоқчиман. Нега дейсизми? 32-уйнинг 4-қаватида яшаймиз. Шу ерга кучиб келганимизга беш йилдан ошибди-ки, биз ет кунларида совуқ сув йўқлигидан қийинчиликда яшаймиз. Сувга тушавериб пастки

қаватда яшайдиган қўшниларимизнинг жонига ҳам тегиб кетганмиз. 4-қаватдаги қўшнилари фақат совуқ сув йўқлигидан нолиб гапирадилар. «Шуни ёзишга бирорта одам йўқмикан», — деб Нодира кеннайим гап бошласалар, «Ёзиб-ёзиб, гапириб-гапириб чарчашган», дея суҳбатни давом эттирадилар Маъсума кеннайим.

Аввал журналист бўлсаммикан, деб уйлардим. Шу гаплардан кейин ҳафсалам пир булди. Журналистнинг гапига қулоқ солмайдиганлар бор экан. Энди катта бўлсам ЖЭКга кириб, ишлаш ҳақида уйлаяпман.

Сиз нима дейсиз, азиз газета чиқарувчи опажон, акажонлар?»

Жавоҳир Мирзо  
РАҲМАТОВ.

Биз Жавоҳирнинг мактубига ўзгартириш киритмадик, тўғрироғи, ундаги фикрлардан — ҳеч бир нарса болалар нигоҳидан четда қолмаслигидан қувондик. Демак, катталарни қийнаган муаммолар болаларнинг ҳам мурғак тасаввурларида бефарқ қолмас экан. Лекин Қорақамшиш 2/1 массивининг ЖЭК ходимларига ушбу мақолани ўқиб кўришларини маслаҳат берардик. Жавоҳирга эса тезроқ катта бўлиб орзусига эришишда ва бунинг баробарида сув ташиб чарчаётган кеннайиларининг орзулари ушалишига умид қилиб, эртанги кунларига ёруғ келажак тилаб қоламиз.

## «СИЗ ҲИНДИСТОННИ БИЛАСИЗМИ?»

мавзусида Тошкентдаги 24-мактабда ўтказилган билагонлик ва топқирлик кечасига Ҳиндистон миллий маркази ташкилотчиси жаноб Қамбаррайс меҳмон бўлдилар. Кеча Ўзбекистон ва Ҳиндистон давлатларининг мадҳияларини куйлаш билан очилди.

Беллашувда ҳинд тили ўқитиладиган 24, 90 ва 324-мактаблар қатнашди. Ҳиндистонни ўзбек болалари қандай тасаввур қилишларини жаноб Қамбаррайс иштирокчилар билан ўзлари ўтказган суҳбатдан би-

либ олдилар. Савол-жавобларда уч мактаб ўқувчилари билимлари бўйича бир-бирларидан қолишишмаса ҳам, 24-мактаб ўқувчилари беллашув гóлиби деб топилди. Уларга Ҳиндистон миллий марказининг эсдалик совғалари топширилди.

Ҳиндистонлик меҳмонлар беллашув иштирокчилари ва ташкилотчиларига миннатдорчилик билдириб, бундай тадбирларда тез-тез учрашиб туриш ниятини билдиришди.

Дилдора Жўраева

## Мадхурига ўхшагим келади

ман. Шунинг учун ҳам мени уртоларим «хаёллари Ҳиндистон қиз» — деб кулишади. Майли нима десалар десинлар-у, менинг орзум барибир Ҳиндистонга бориш, Мадхури билан танишиш. Айниқса, кийинишда унга тақлид қилиб ҳинд сариларидан олдирдим-да, куйлақлар тиктириб кийдим. Балки сиз ишонмасиз, лекин мен

Мадхури уйнаган киноларни сузма-суз биламан. «Дил» киносидаги унинг ижро этган рақсларини, қўшиқларини айтмайсизми? Кеча дадамларга «мени Ҳиндистонга юборинг, мен ҳам Мадхурига ўхшаган киноюлдуз бўламан» деган эдим, ойим «Ҳиндистонга бормай туриб ҳам киноюлдуз бўлиш мумкин» дедилар. «Гулчехра Жамилова, Дилором Эгамбердиева каби узимизнинг киноюлдузларга ўхшаб»...

Ростдан ҳам Ҳиндистон менинг орзум эди, орзулигича қола қолсин. Болалик қувончим шу Ҳиндистонни деб ташвишда утмасин. Катта бўлсам барибир — Мадхуридек машҳур бўламан. Ойдин ниятларим ҳамиша ёруғ бўлиши учун тинчлик бўлса бас!

Моҳира БОЙМИРЗАЕВА,  
Тошкент шаҳри,  
248-мактаб ўқувчиси



## МАКТАБДА СПОРТ МАКТАБИ

Олтиариқ туманидаги Навоий номли 15-урта мактаб қошида шарқона яккакураш — таэквон-до мактаби очилганига етти йилдан ошди. Дастлаб 25 нафар бола билан иш бошлаган жисмоний тарбия ўқитувчиси Солижон ака Худоевров эндиликда юз нафар еш спортчилар билан машғулотлар олиб бормоқда.

Солижон аканинг шогирдлари утган йили вилоят биринчилигида фахрий учинчи уринни олган бўлса, бу йил иккинчи уринни эгаллади. Турт нафар «кук белбоғ» соҳиблари республика чемпионатида йулланма олишди.


Шуни айтиш керакки, Солижон аканинг шогирдлари орасида турли белбоғ соҳиблари куп.

— Икки нафар шогирдим

«қизил белбоғ» учун имтиҳон топширди, — дейди «қора белбоғ» соҳиб Солижон ака, — шогирдларим орасида юқори тоифа «қора белбоғ» соҳиблари етишиб чиқиши учун ҳаракат қилаяпман.


Яқинда Олтиариқда яна бир хушхабар тарқалди. Туман халқ таълими булимининг яқиндан берган кумаги билан «Таэквон-до» федерацияси ташкил этилди. Бу билан жаҳон мусобақаларига туманда кенг йул очилди.

Абдуманноп АЗИМОВ



Жисмоний камолот йўлида

Синф раҳбаримиз бир гал мажлис ўтказганларида деразаларда тувакда ўстирилган гул турса яхши бўларди, деган эдилар. Мен бу ҳақда обдон ўйлаб кўрдим. Гуллар хонанинг ҳавосини тозалашга ёрдам берар экан. Демак, биз 30 ўқувчи эрталабдан пешингача бир хонада ўтираемиз. Айниқса, қиш ойларида деразани очиб хонани шамоллатиб ҳам бўлмайди. Шунинг учун гул албатта ҳар бир хонада парваришланмоғи зарур экан. Биз дарс машғулотларини тинглаб, ақлан чарчаймиз. Бу пайтда ям-яшил гулларга бо-



қиб дам оламиз. Шу нарсаларни кўз олдимдан ўтказдимда, мен ҳам уйдан гул олиб бордим. буни кўрган бир неча синфдош ўртоқларим менга шерик бўлишди. Бир ёқадан бош чиқариб қилинган иш сабаб синфхонамиз бир зумда гулларга тўлиб кетди. Лекин ҳамма ҳам бир хил фикрда эмас-да. Баъзи бир гўзалликни кўролмас ўртоқларимиз «эй, нима кўтариб юрибсанлар, ўғил боламисанлар, гул кўтариш сенларнинг ишингмас, қизларнинг иши», — дея устимиздан кулишади ҳам. Синфдош қизларимиз олдида бироз мулзам тортгандек бўлди. Нима энди гулни фақат қизлар ўстириши керакми? Менимча, гўзаллик одам танламаса керак-а?..

\*\*\*  
Сардорбек уртоғим турт кун мактабга келмади. Шу вақт ичида химия фанидан икки соат дарс қолдирди. Сардор дарсга келгач, муаллима опамиз ҳолаҳвол сурадилар ва айтдилар.

«Болаларим, сизларнинг барчангиз кимё фанини ҳаётда қўллайсиз, деб айта олмайман. Демокчи-манки, энг муҳими, яхши инсон булинг. Агар қизил шаҳодатнома олсангизу, яхши йигит-қиз бўлмасангиз, убекор... Худо соғлиқ, хотиржамлик ато қилсин. Менга соғлигингиз керак».

Мен ҳар гал уша муаллима опамизнинг меҳрли сузларини эслайман. Дилдан жой олган гаплар хотирадан ҳеч қачон кўгарилмайди.

\*\*\*  
Вали дарсда ухлаб қолибди. Синф раҳбаримиз Уткир Рузиев енгидан туртган эди, Вали чучиб тушди. Бечора Вали кечаси билан ухламай балки яйловга пода ёйгандир. Чунки қўйлар ойдан ке-

чада, салқин бўлганда яхши углайди-да. Вали дарсларга бепарво, унинг орзуси чупон бўлмоқчи. Лекин қўйларимни санаб,

керак, — деб айтади Валининг узи...

\*\*\*  
Бугун дарсга кеч қолдим. Сабаби — синглим



сонини билишим учун, кўйдан олинган юнглари ҳисоблаш учун ҳам математикани албатта билиш

Гулзодани боғчасига элтиб қўйишим керак эди. У эса йулда ҳар бир нарсга эътибор бериб, бирам

секин қадам ташлайдики, ҳеч менга етиб юролмайди. Кутариб олай десам, узим юраман, деб хархаша қилади. Мактабга шошиб кетаётсам бир аёл қулида ёш гудаги, орқасидан эса яна бир қизчасини эргаштириб кучани кесиб утыпти. Икки боласи билан қийналиб кетаётганини кўриб қараб туролмадим. Қизчасини етаклаб, қулидан халтачасини олдим. Уларнинг борар манзили ҳам мактаб томонда экан. Аёл раҳмат айтиб, қайта-қайта дуо қилди. Югуриб синфга кирдим. Уқитувчимиз кеч қолишим сабабини суради. Аввалига бирор баҳона қилаймикан, деб уйладим. Лекин, ёлгонни эплаб гапиролмаслигимни яхши биламан. Шу сабаб туғриси айтиб қўя қолдим. Уқитувчимиз «утир» деб кулиб қуйди. Партамга бориб утирганимда, бехос кузим менга меҳр билан тикилиб турган уқитувчимизга тушди.

**Қахрамон ЗОКИРОВ,**  
Андижон вилояти  
Шахрихон туманидаги  
17-мактаб ўқувчиси

## БИЗГА ДЎСТСАН, САХИЙ КУЗ!

«Меҳржон» байрами ҳақида раҳматли бувимдан эшитган эдим. Бувим жудаям қадимий ҳисобланган бу байрамга кейинги вақтларда бир оз эътибор сусайганини гапириб, хурсиниб қўярдилар. Худого шукур, элимиз мустақил бўлди. Ота-боболаримиз эъозлаб утган урф-одатларимизни давом эттириш учун имкониятларимиз старли. Ҳаттоки бундан боғча болалари ҳам мосуво эмас. Кеча «Полвонжон» болалар боғчасида бўлиб утган «Меҳржон» байрамини кўриб бувижонимни хотирладим. Агар шу кунларни курганларида эди, шундай хурсанд бўлиб, яратганга шукроналар айтишларини кўз олдимга келтирдим.

### «ПОЛВОНЖОН»ГА ДЕҲҚОНБОБО ТАШРИФ БУЮРДИ

Собир Раҳимов туманидаги 46-«Полвонжон» болалар боғчасига, бир неча йилдирки, Наима Раҳимовна Хидоятлова бошчилик қилиб келадилар. Нимжон болаларга мулжалланган бу боғча туман-

даги энг яхши боғчалардан бири ҳисобланади. Бу ерда байрамлардан тортиб болажонларнинг туғилган кунларигача ҳеч кимнинг назаридан четда қолмайди.

Хуллас, 25 ёшимда биринчи марта 3—5 яшар бегубор болажонлар билан бирга «Меҳржон» байрамида иштирок этдим. Зал жудаям чиройли эди... Шоирлар тилида гамгин фасл деб ном олган куз узининг ҳеч қайси фаслга ухшамаган сахийлиги билан залдаги ота-оналару, болажонларнинг ҳам бутун эътибо-

рини узига тортиб олган эди. Деҳқонбобо булиб ташриф буюрган Муқаддам Улугбобоевани ҳеч ким, ҳатто болалар ҳам тарбиячи опалари эканликларини билмадилар.

Улар шудгорда ер чопатган деҳқонбобонинг узгинаси эдилар.

### АЗАМАТ — ОЛМА БЎЛДИ

«Ҳозир даврага сабзавот ва меваларни таклиф этамиз», — тарбиячи опа Лена Барбашинанинг ушбу хитобидан кей-

ин сабзавот-меваларнинг расми туширилган ниқоблар кийиб олган бир гуруҳ болажонлар даврага кириб келдилар. Булар — кузнинг неъматлари эди. Ҳар бир неъмат узи ҳақида, уз тарихи, дармондорига бой жиҳатлари ҳақида гапириб, утирганларда жуда катта таасурот қолдирдилар.

Улар куйлаган, кузни тараннум этган куй-қушиқларга беихтиёр ота-оналар ҳам жўр булишди.

Энг муҳими, болажонлар кузнинг сахийлигию, деҳқонлар меҳнатини қадрлаш кераклиги ҳақида жуда куп тушунчага эга эканликлари намоён бўлди. Айтиб утиш жоизки, бу боғчада таълим олаётган болажонларнинг ота-оналари кун давомида хотиржам ишлаб, болаларидан кунгиллари туқ бўлса арзийди. Чунки болалар меҳрибон, фидойи Гулчеҳра Ибрагимова, Галина Ефимова каби тарбиячилар ардоғида.

**Ҳосият РУСТАМОВА**



БУ БОЗОР, ШУНДАЙ БОЗОР

Пештахтаси мевазор,
Қайси бозор, зўр бозор?
Энг зўр бозор, шул бозор
Нархи бўлса беозор.

Узум тоғиб, лаззатдан,
Мухбир сўрар: — бу қатдан?
Дехқон бово кулиб, дер:
Кеча уздик жаннатдан.

Арзон нархга кўндирдик,
Тўрхалтани тўлдирдик.
Афандилар айтишиб,
Бўлмасни ҳам бўлдирдик.

Ана энди, сол кулоқ,
Озгинми ё бақалоқ.
Ҳар «газет» ҳам, бир бозор
Кирган олар бол. қаймоқ.

Саҳифалар — пештахта,
Мақолалар — оқ пахта.
Латифалар фарқ пишар,
Кулгу деган дарахтда.

Расмлари ранг-баранг
Ҳарфлари мовий ранг.
Дангаса ҳам топилар,
Сатангхону Холпаранг.

Иккичи ҳам бунда бор,
Қабоқда қор, димоғдор.
Улғайса сақич сотар,
Ўтирволиб бемалол.

Гап уқмас ҳам бор бунда,
Имтиҳонда фолбин-да.
«Хон» чекволиб, нос отар,
Бахт, тескари совринда.

Бу бозор шундай бозор
Яна минг бир эртақ бор.
Шеър дарахти бор бунда,
«Шамшодбоғ»дек улуғвор!

«Обуна»си арзонли,
Натижаси ларзонли.
«Тонг юлдузи»н ҳар сони,
Бўлсин-да милён сонлик.

Бу бозорнинг паттаси
Эмас нархнинг каттаси.
Бу бозорга кирмагай
Ўқувчининг латтаси.

Бу бозор шундай бозор,
«Шамшодбоғ»дек улуғвор!
Турсун МУҲАММАД



— «Шекспир»нинг сунги на-
шрларидан борми?
Сотувчи: — Нима, у ҳали ҳам
китоб ёзаяптими?
\*\*\*

Она: — Нима учун Ден ва
Фредлар билан уйнайсан? Улар-
нинг ёмон бола эканлигини бил-
майсанми?

Бола: — Биламан.
Она: — Нега унда яхши бола-
лар билан уйнамайсан?

Бола: — Чунки уларнинг ота-
оналари мен билан уйнашга
рухсат бермайди-да.

МЕВАЛАРНИ
ЙИГИШНИНГ ЭНГ
ҚУЛАЙ ПАЙТИ

Ўқитувчи ўқувчиларга йил-
нинг турли фасллари тўғрисида
ҳикоя қилиб бераётганди. У су-
ради:

— Болалар, ким билади, ме-
валарни йиғишнинг энг қулай
пайти қачон?

— Боғда кучук ва қоровул
йўқ пайти.
\*\*\*

Ўқитувчи: — Сен ҳаминча мак-
табга кеч қолсан. Нега шун-
дай?

Ўқувчи: — Бу менинг айбим
эмас. Улар ҳаминча мен бу ерга
етиб келганимча қўнғироқни
чалиб қуйишади-да...
\*\*\*

Ўқитувчи: — Имтиҳон савол-
лари қийин эканми?

Ўқувчи: — Йўқ, саволлар ту-
шунарли, осон. Фақат уларни-
нг жавоби қийин экан.

Инглизчадан Ш.РАСУЛОВ
таржима қилди.
«Оқ олтин» туманидаги
28-мактаб

Кунлардан бир кун

Ҳамқишлоқлари Эгамберди
акани гавдаси катта, семиз бул-
ганлиги учун ҳам «полвон» деб
чақиришади. Шунинг учун биз
қишлоқ болалари полвон ака-
ни ҳеч нарсадан ва ҳеч кимдан
қўрқмас ботир деб биламиз. Эн-
ди билсак, шундай полвон одам-
лар ҳам қўрқинч нималигини
билишар экан.

қандай пайдо булганлигини би-
лолмайд полвон ака таққа тўх-
табдилар. Йўқ, тўхтамабдилар,
икки гилдиракли арава ҳаракат-
дан қолибди, тиллари умуман
сўзсиз қолибди.

Полвон аканинг айтишлари-
ча, йулларида учраган одам қо-
тиб қолган қўз унгиларида бир-
дан эмас, секин - аста йўқолиб
борибди. Қишлоқ катталарининг
ҳикоя қилишларича, бу йўл-
да куп одамларга шунга ухшаш
кимсалар учраб кўплари қўр-
қувнинг зуридан касалликлар-
га учраган эканлар.

Вой, бу воқеа қаерда бўляпти
экан, дерсиз? Қизиқсангиз
айтаман, Фарғона вилоятининг
Учкуприк тумани, Охунбобоев
номли жамоа хужалигининг Ёв
қишлоғида. Бу воқеаларнинг гу-
воҳи булган Рузали ака, Тоште-
мир тоғалардан ҳам бу ҳақда
яна янги гаплар эшитишингиз
мумкин.


Нигора ОМОНОВА
Учкуприк тумани 9-ўрта
мактабнинг 8-синф
ўқувчиси

Азиз ўқувчилар! Куйида таърифланган
сузлар жавобини шаклдаги рақамли хондан
ёй буйича марказ томон ёзиб машқни ҳал
этинг

- 1. Энг биринчи дарслик. 2. Мамлакатимиз-
да сунги йилларда ташкил этилган урта ўқув
юрти. 3. Уфқ томонларини курсатувчи асбоб.
4. Физик олим, Ўзбекистонда хизмат курсат-
ган фан арбоби. 5. Рнэзнет ҳисобида таркиби-
даги барча ҳарфий белгиларининг ҳамма
қийматларида ҳам узгармайдиган тенглик. 6.
Маълум соҳага оид муъжаз нашр, китоб. 7.
Атом ядросининг таркибий қисми-мусбат за-
рядланган зарра. 8. Тафаккур шакли ва қонун-
лари ҳақидаги фан. 9. Ҳисоб илмида, эгри
чизиқ устига бир нуқтада тегиб утган тугри
чизиқ. 10. Америка шимолидаги ярим орол.
11. Ўзбек ёзувчиси ва олими. 12. Темир,
пулатдан ясалган каби жисмларни узига тор-
тиш хусусиятига эга булган жисм. 13. Қадим-
ги юнон файласуфи ва олими. 14. Мумтоз
шоир, «Оз-оз урганиб доно бўлур» ҳикматли
сузининг муаллифи. 15. Ўзбек мумтоз мусав-
вири, таниқли миниатюра санъати соҳиби.
16. Бирор катталиқ бирлигининг халқаро қа-
бул қилинган аниқ улчови. 17. Жутрофиядан
ўқув қўлланма. 18. Рнэзнет амалларидан би-
ри. 19. Утказиладиган дарслар тартибига оид
маълумотлар руйхати. 20. Ҳандасавий — ге-
ометрик шакл. 21. Айлана ейининг улчов
бирлиги.

Энди шакл айланаларига ёзилган ҳарфлар-
ни соат мида йўналишида ўқиш билан топ-
шириқни ечинг. Ундан Шарқнинг буюк шон-
ри, файласуф ва мутафаккир олими Мирзо

БҲМ ЧМҚРМА



Абдулқодир Бедил ҳикматларидан бирини билиб оласиз.
Тузувчи: Фозилжон ОРИПОВ

3 сентябрдаги

«Шарқ тароналари» — қизиқарли саволларнинг жавоблари

- 1. Усмон Азим шеъри, Дилором Омонуллаева
муסיқаси.
2. «Бузрук», «Рост», «Наво», «Дугоҳ» «Сегоҳ»
«Ироқ».
3. «Мафтун булдим» (М.Бурҳонов муסיқаси.)
«Раъно» ва «Газли» (Икром Акбаров.)
«Мажнун монолоғи» (С.Жалил) «Орзуларим
машъали» (Фарид Ай-Атраш Мирс) «Гузал қиз»
(Раҳбоний-Ливан) «Маро бебус» (Эрон халқ қуши-
ги) «Дил орузи» (Чаудхури, Ҳиндистон) ва бошқа-
лардир.
4. Алижон Азимов шеъри, А. Назаров муסיқаси.
5. Дутор. Сетор. Чилтор. Панжтор. Сурнай. Кар-
най. Қушнай.
6. Доира.
7. «Алла» — «Ялла».
8. «Баҳор».

ТОНГ ЮЛДУЗИ

Муассислар:

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ,
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ДАВЛАТ МАТБУОТ КҮМИТАСИ

Бош муҳаррир: Умида АБДУАЗИМОВА

Таҳрир хайъати:

Муртазо СУЛТОНОВ, Жаббор РАЗЗОҚОВ, Гулнора
ЙҮЛДОШЕВА, Шермат ЁРМАТОВ, Хотам АБДУ-
РАИМОВ, Муқимжон ҚИРҒИЗБОВЕВ, Дадахон
ЁКУБОВ, Исфандиёр ЛАТИПОВ, Юсуф
ШОДИМЕТОВ, Феруза ОДИЛОВА.

ИВМ компьютерида терилди ва
саҳифаланди. Офсет усулида
босилди. Ҳажми 1 босма табоқ
Буюртма — Г-0745.
10960 нусхада босилди.
Қоғоз бичими — А3.
Босингга топширил вақти 19.00
Топширилди — 18.30

• Руйхатдан утин тартиби
№ 000137
• Манзилимиз: 700083,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кучаси,
32-уй.
• Нашр қурсаткичи: № 64563
• Телефон:
• 1-33-44-25